Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
15 июнь
ЧОРШАНБА

№ 47
(12.371)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ПИЛЛА — 2011

ТЕРИМ АВЖ ПАЛЛАДА

Ҳар қандай ишнинг ривожи тинимсиз меҳнатга, изланишларга, масъулиятни ҳис этишга боғлиқ. Тинмай изланаётган вилоятимиз пиллакорларининг ютуқлари ҳақида сўз борганида, имконият ва муваффақиятларга йўл очган муҳим омиллар хусусида алоҳида тўхталиш ўринлидир.

Бугунги кунга келиб олди туманлар пилла топширишни якунлашмоқда. Биринчилар қаторида Қуйичирчиқ тумани пиллакорлари маррага етиб, йиллик режани 101 фоиз бажаришди. 255 та фермер хўжалиги ўртача ҳосилдорликни 57,7 килограммга етказди. Қабул пунктларига 150 тонна пилла топширилди. 1100 кути ипак қуртидан 60 тонна пилла топширган Оҳангарон тумани иккинчи бўлиб маррага етиб келди. Юқоричирчиқ туманидаги 300 та фермер хўжалиги 150 тонна "кумуш тола" етиштирди. Ҳосилдорлик 58,2 килограммга етди. Режа 100,9 фоизга бажарилди.

– Албатта, бу каби ютуқлар вилоятимизнинг бошқа туманларида ҳам кузатилаяпти, – дейди вилоят "Пилла" акциядорлик бирлашмаси раҳбарининг ёрдамчиси Санжар Қурбонов. – Бунинг учун фермерлар кунни-кун, кечани кеча демай пилла қуртини парвариш қилишди.

Вилоят туманларида пилла топшириш авж пилла.

Зулфия ҲУСАНОВА.

Ўртачирчиқ тумани саноат ва сервис касб-ҳунар коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Барҳаёт анъаналар" фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

БОҚИЙ АНЪАНАЛАР

Мамлакатимизда ёш авлодни юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг ўзлари яшаб турган ҳудуд тарихи ва маданияти ҳақидаги билимларини, миллий анъана ва урф-одатларимизга оид тушунчаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Барҳаёт анъаналар" фестивалидан кўзланган асосий мақсад ҳам ҳар бир ҳудуд ва вилоятнинг ўзига хос этнографик хусусиятларини акс эттирувчи фольклор санъати намуналарини кенг тарғиб этиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш, улар қалбида миллий қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини янада кучайтириш орқали тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишдан иборат.

– Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни мусиқа ва санъат воситасида юксак дид ва маънавият эгалари қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Р. Неъматов. – Шаҳар ва қишлоқларимизда бунёд этилаётган замонавий мусиқа ва санъат мактаблари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган ўрта махсус ва олий ўқув юртлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улардаги ўқув дастурларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ёшларимизнинг жаҳон ва миллий мусиқа санъатини пухта эгаллашида кенг имконият яратмоқда. Мазкур танлов ҳам ўқувчилар орасидан истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларнинг келгуси ижодий камолотига пухта замин яратишга қаратилган.

Фестивалнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқи Тошкент вилояти педагогика коллежининг "Зиёкор" жамоасига насиб этди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Л. СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ



ТИНИБ-ТИНЧИМАС КИШИДАН ЯХШИ ФЕРМЕР ЧИҚАДИ

Бу – ҳақ гап. Ҳар ҳолда бекободлик фермер Мамажон Ғафуровнинг саъй-ҳаракатлари буни исботлади. 2006 йили фермер хўжалигини ташкил этганда бор-йўғи 40 гектарда иш бошлаган бўлса, бугун экин майдонлари 240 гектарга етди. Демак, йилига ўртача 50 гектардан кенгайиб борган. Эътироф этиш керакки, бундай суръатга ҳар қандай фермер ҳам дош бераверма йди.

М. Ғафуров буни эплагани учун нафақат туман, балки вилоятда ҳам энг йирик ва номдор фермерга айланди.

Аммо, шуниси ҳам борки, фермернинг обрў ва нуфузи ерининг гектари билан эмас, балки ҳосилдорлик ва даромад билан белгиланади. Бу жиҳатдан ҳам М. Ғафуров ҳамкасбларидан ўзса ўзадики, асло ортда қолмаяпти. Масалан, 2008-2010 йилларда пахта ҳосилдорлигини 4,5 центнер ошириб 31 центнерга чиқарди. Давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган ялпи пахтани 1,8 баравар кўпайтирди.

Бошоқли дон ҳосилини бир маромда ошириб боришда ҳам бу фермернинг олдига тушадигани топилмаса керак. Мана, ўзингиз чамалаб кўринг. 2008 йилда буғдойдан гектарига 45,6 центнердан хирмон кўтарган эди. 2010 йилда 51 центнерга етди.

Хўш, М. Ғафуров бундай тез юксалишга қандай қилиб эришаяпти?

Аввало бир гап. Мамажон Ғафуров далада, яъни деҳқончилик соҳасида меҳнат қила бошлаганига 40 йилдан ошди. Қишлоқ хўжалигининг, таъбир жоиз бўлса, у соҳасидан кириб, бу соҳасидан чиққан. Айниқса, пахтачилик ва ғаллачиликнинг бутун сир-асрорларини мукаммал эгаллаган. Соҳанинг етук мутахассисларидан қолишмайди. Ҳар ҳолда, 2001 йили "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" фахрий унвони берилгани бежиз эмас.

Иккинчидан, хўжаликнинг ерлари номи чиққан Бекобод шамоли энг кучли эсувчи "йўлак"ка тушган. Шунинг учун фермер ҳеч тиниб-тинчимайди, доим изланади, интилади, нимадир ўйлаб топишга уринади. Ҳар бир агротехник тадбирни экин айни талаб қилган пайтда бажариб, шундан ҳам самара чиқаришга ҳаракат қилади.

Хашак ўрадиган механизмларнинг эски қисмларини ташлаб юбормай, улардан мосламалар ясаб, ғўза тупларига яқин (5 сантиметр) жойдаги қатқалоқларни юмшатишни йўлга қўйди. Бу ҳаракат тупроқда нам узоқроқ сақланишига, ғўза серҳосил бўлишига имкон беради. Сеялка мосламасининг олдига барона тақиб чигит экиш усулини ўйлаб топиб, ёнилғи-мойлаш ашёларини икки баравар тежашга эришди.

Бу йил хўжаликнинг 105 гектар майдондаги буғдойи сербошоқ бўлиб, пишиб етилаяпти. Эрта-индин ўримга тушилади. Натижа қандай бўлиши масаласида фермернинг кейинги йиллардагидек, кўнгли тўқ. 135 гектардаги ғўзанинг ривожи ҳам чакки эмас.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: фермер Мамажон Ғафуров янги харид қилинган кўп соҳада ишловчи трактори билан.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ИСЛОМ КАРИМОВ ОСТОНА ШАҲРИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 14 июнь куни Остона шаҳрига жўнаб кетди.

ЎзА.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

БЕКОБОД ШАҲРИ

ЕР ОСТИ ЙЎЛИ БАЙРАМГАЧА БИТАДИ

Шаҳар бозорлари – энг кўп одамлар келиб-кетадиган, йўллар кесиб ўтиладиган марказий жой. Бу ерда пиёда юриш ҳам, машинада ўтиш ҳам, транспортга чиқиш ҳам тобора қийинлашиб, хавфли бўлиб бораяпти.

Аҳолига ва транспортларга қулайлик яратиш, тартибсизликларга барҳам бериш мақсадида ер ости ўтиш йўлига зарурат туғилаяпти.

Куни кеча шаҳар директорлар кенгаши йиғилиш ўтказди. Кун тартибига бозорлар орасида – Ғалаба, Ўзбекистон, Собир Раҳимов кўчалари кесишган жойда ер ости ўтиш йўлини байрамгача бунёд этиш масаласи қўйилди. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ тайёр бўлганлиги маълум қилинди. Вазифалар кўлами, ташкилотчилик ишлари, кетадиган маблағлар, ҳомийлар улуши хусусида кенгашиб олинди.

ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ

БАХТИЁР – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Ёш иқтидорли спортчи Бахтиёр Каттахўжаев универсал жанг бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида чемпионлик камари соҳиби бўлди.

Япония, Сурия, Ҳиндистон, Афғонистон, Туркия, Қозоғистон, Тожикистон каби 12 та давлат вакиллари иштирок этган нуфузли мусобақада Бахтиёр Каттахўжаев дастлаб сурия-лик Аҳмад Ҳасанни 35 сонияда енгди. Финалда эса қозоғистонлик спортчи Сардор Мирҳайдаровни 45 сонияда таслим этиб, 71 килограмм вазн тоифасида Осиё чемпиони бўлди. Унинг бу муваффақиятида мураббийи Ўткир Жалоловнинг хизмати беқиёс.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, касб-ҳунар коллежлари, бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, шаҳар прокуратураси, "Адолат" СДП шаҳар кенгаши ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан шаҳардаги зобитлар уйида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Тадбир ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, олий ўқув юртларини битирган ёшлар, шунингдек, қамоқ жазосини ўтаб келган ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш мақсадида уюштирилди. Унда шаҳардаги 46 та корхона ва ташкилот ўзларидаги 510 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркага келган 186 ишсиз фуқародан 162 нафари ёшлар, 24 нафари аёллар. Мурожаат қилганлардан 122 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Шохруҳ ҲАКИМОВ.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БАРИ ИНСОН УЧУН

Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими масъул ходимларидан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳи иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Суҳбатда "Ватаним, қутлуғ тўйинг муборак!" шиори остида кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг мазмун-моҳиятини аҳоли, хусусан ёшлар онгига сингдириш, мустақилликни халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги беқиёс аҳамияти каби масалалар йиғилганларнинг диққат марказида бўлди.

Райҳон САЛАЕВА.

ЕР ЭЛНИ БОҚАР

Ҳар бир фермер қишлоқнинг ободлиги, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши ўзи каби қишлоқ мулкдорларининг саъй-ҳаракатларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканини яхши билади.

Юртнинг истиқболини таъминлайдиган, эл дастурхонини тўлдирадиган бундай фермерлар Қибрай туманида оз эмас.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёза бошлаган кезлардаёқ Абдукарим Муталов "Нормухамедов – Муталов Абдукарим" фермер хўжалигини ташкил этди.

Бугунги кунда бу хўжаликнинг 29,5 гектар ери бор. Фермер ҳосилдорликни ошириш учун туну кун ҳаракатда. Асосий экинлари буғдой – 19 гектар, сабзавот – 5 гектар, эртанги картошка – 1,5 гектар, қулупнай – 3,1 гектар. Шартнома асосида давлатга 52 тонна ғалла етказиб бериш режалаштирилган.

Яқинда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаларига бу илғор хўжалик 8 тоннадан ортиқ қулупнай етказиб берди. Ҳозир картошка ҳам айни гуллаган пайт, яқин кунларда ҳосили етилади.

Фермер хўжаликлари янги иш жойлари очиб, қишлоқда ишсизлар сонини камайтиришга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Гулрух ЗОКИРОВА.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

Тараққиёт юксалиб боргани сари қулай, кам харажат, арзон маҳсулотларга эҳтиёж кучаяди. Полимер ана шу эҳтиёжни қондиришда инсоният учун кенг йўл очиб берди. Бугун халқ хўжалигини полимер ёки пластик маҳсулотларсиз тассаввур қилиш қийин. Ҳатто, тоғ жинсларини бурғулашда ҳам полимер қувурлардан кенг фойдаланилаётир. Бир сўз билан айтганда, темир қувурлар ўрнини полиэтилендан ишлаб чиқарилган ҳар хил қувурлар эгаллаяпти.

Қибрай туманидаги "Полимер Групп Осиё" масъулияти чекланган жамияти юқори технология асосида ишлаб чиқараётган полимер маҳсулотлари харидоргир. Корхона ўзининг бу маҳсулотларини яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган 4-халқаро кўргазмада намойиш қилди. Улар барча иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бундай қувурларни кўплаб етказиб бериш тўғрисида шартномалар имзоланди. Ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, эндиликда "Полимер Групп Осиё" "Олмалиқ кон-металлургия комбинати", "Аммофос-Максам" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Тошвилсувоқава" корхонаси ҳамда "Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси каби юқори салоҳиятга эга корхоналарга зарур бўлган турли ҳажмдаги полимер қувурларни етказиб бераётир.

– Корхонамиз халқ хўжалиги учун полиэтилен ҳамда полипропилен қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, – дейди корхона раҳбари Самариддин Иброҳимов. – Бугунги кунда 20 миллиметрдан тортиб 800 миллиметргача бўлган 6000 тонна полимер қувурлар ишлаб чиқарилаётир. Яқиндан бошлаб поливинилхлорид қувурлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Полиэтилен қувурлар ички босимга чидамли бўлса, поливинилхлорид қувурлар ташқи босимга мўлжалланган. Улардан асосан кон-металлургия саноати ҳамда геология-қидирув ишларида кенг фойдаланилаяпти. Энг муҳими, маҳсулотларимиз металл қувурлар ўрнини босяпти.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, яқин-яқингача халқ хўжалиги учун зарур бўлган поливинилхлорид ва полипропилен қувурларини Жанубий Корея, Бельгия ҳамда Эрондан валюта эвазига сотиб олиб келинарди. Бугун бунга эҳтиёж қолмади. Ўтган йилнинг ўзида корхона Олмалиқ кон-металлургия комбинатига 229 миллион, "Вилоятсувоқава"га 300 миллион ҳамда "Аммофос-Максам"га 25 миллион сўмдан зиёд сифатли маҳсулот етказиб берди. Бундан ташқари, корхона маҳсулотларига Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Андижон ҳамда Сурхондарё вилоятлари, шунингдек, Марказий Осиё давлатларида ҳам талаб ўсиб бормоқда. Албатта, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда замонавий технологияларнинг ўрни катта аҳамиятга эга. Шу боис дастлабки йиллардаёқ корхонада замонавий технологиялар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилди. Юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда Германиянинг "Krauss Maffel" технологиялари қўл келмоқда.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда хом ашё етакчи ўрин тутади. "Полимер Групп Осиё" уларни Шўртан кимё мажмуасидан олаяпти. Бу полиэтилен грануллар Қибрай корхонаси учун асосий хом ашё ҳисобланади. Улар биржа орқали сотиб олинмоқда. Ҳозирги кунда хом ашёга талаб янада ортиб бормоқда. Агар таъминот масаласи ҳал этилса, маҳсулот ҳажми икки баравар ошади. Энг муҳими, унинг турларини кўпайтириш ва тайёр маҳсулотларни чет элларга экспорт қилиш имконияти туғилади.

Мамлакатимизда инновацион ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Корхона бу борада ҳам самарали изланишлар олиб бормоқда. Италия билан ҳамкорликда полимер қувурларни боғловчи пайвандлаш ускунаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида изланишлар давом эттирилмоқда. Шу мақсадда Италиянинг "Ритмо" компанияси билан ҳамкорлик кенгайтирилмоқда. Агар бу янгилик ишлаб чиқаришга жорий этилса, яна ўнлаб янги иш ўринлари очилади.

Хуллас, "Полимер Групп Осиё" кичик корхонаси бугун янада катта имкониятлар сари интилмоқда. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини ошириш муҳим эканлиги алоҳида қайд этилган. Корхона ана шу вазифаларни ўзига дастуриламал қилиб олиб, технологик ва инновацион изланишлар йўлидан изчил бормоқда.

Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУД ИЖРОЧИЛАРИ ДЕПАРТАМЕНТИ ҲУЗУРИДА

Республика Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида "Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир" деган эди.

Бу борада жумладан, халқ депутатлари вилоят кенгаши ва унинг доимий комиссияларида суд-ҳуқуқ соҳаси, яъни суд ижрочилари департаменти фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Кенгаш сессияси қарори ҳамда 2011 йил иш режаси Қонунийлик, ҳуқуқтартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг қарорига асосан Суд қарорларини ижро этиш вилоят департаментининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган талаблар ижроси юзасидан 2009-2010 йилларда амалга оширган ишларини ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳи тузилди. У шу йил февраль ва март ойларида департаментнинг фаолиятини ўрганиб чиқди.

2010 йил давомида Суд департаментининг вилоят ҳудудий бошқармаси тизимида ижро бўлимлари иш юритувида жами 629 миллиард сўм ундириш тўғрисида 295 минг 494 та ижро ҳужжатлари мавжуд бўлиб, уларнинг 371 миллиард сўмлик 252 минг 163 таси таъминланган. Шу билан бирга комиссия аъзолари аниқлашича, Суд департаменти вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилган бўлсада, қатор хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Айрим ижро ҳужжатлари бўйича қонунда белгиланган ижро муддатлари бузилганлиги аниқланди, яъни ҳисобот даврида 289 та ижро ҳужжатлари икки ойлик муддати ўтган бўлсада, ижроси таъминланмаган.

Ҳисобот даври охирида жами ундирувлар юзасидан 50 миллиард сўмлик 41 минг 75 та ижро ҳужжатлари бўйича иш охирига етмаган. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг 2007 йил 18 сентябрдаги қарорига асосан суд ижрочиларининг Ўртачирчиқ туман бўлимига юборилган ижро варақасида Дўстобод шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси 2-уйда яшовчи даъвогар Л. Жўрабоеванинг фойдасига 3,5 миллион сўм маблағни жавобгар М. Пиримқуловдан ундириш белгиланган бўлиб, бу ўрганиш кунига қадар ижро этилмагани аниқланди.

Шунингдек, хўжалик судининг 2010 йил 4 мартдаги "Раббано" фермер хўжалигидан жами 1,9 миллион сўм маблағни Қуйичирчиқ туманидаги "Қутбинисо ая" фермер хўжалиги фойдасига ундириш тўғрисидаги ижро варақаси бўйича қарздорлик ўрганиш кунига қадар ундирилмаган ва даъвогарга жавоб хати берилмаган. Ушбу масала юзасидан "Қутбинисо ая" фермер хўжалиги раҳбарини Суд департаментининг вилоят ҳудудий бошқармасига расмий мурожаат қилганига қарамай, жавоб хати олинмаган ва бу билан "Фуқаролар мурожаати тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси талаблари бузилган.

Вилоят суд ижрочилари департаментида қонун бузилишларига йўл қўйилгани сабаблари ижро департаменти раҳбарияти туман ва шаҳарлардаги бўлимлари фаолиятини талаб даражасида назорат қилмагани, ижро ҳужжатлари масъул ходимлар орасида тўғри ва мутаносиб тақсимланмагани ва энг муҳими, ходимларнинг аксарияти етарли тажриба ва билимларга эга эмаслиги билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда департаментнинг вилоят бошқармаси, туман ва шаҳар бўлимларида штат жадвалига асосан 156 асосий мутахассис ишламоқда. Шулардан 57 нафари, ёки 38 фоизи олий юридик, 87 нафари ўрта махсус юридик, 14 нафари эса юридик соҳага тааллуқли бўлмаган, яъни бошқарма бухгалтерияси ва моддий таъминот йўналишлари бўйича фаолият юритиб келмоқда. Бошқарма ўтган йили туман ва шаҳар мутахассисларининг малакасини оширувчи бирорта ўқув-семинар ёки ўқув курслари ташкил этмаган.

Департамент масъул ходимлари орасида кадрлар қўнимсизлиги юқорилигича қолмоқда. 2010 йилда 45 масъул ходим ишга қабул қилинган бўлса, 30 нафари турли сабабларга кўра эгаллаб турган лавозимларидан озод этилган.

Таҳлил натижаларига кўра, вилоятда суд ва бошқа ваколатли органлардан ижро учун тақдим этилаётган ишлар ва ундириладиган маблағлар кўпайиб бормоқда. Масалан, фақат Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ туманлари ва Олмалиқ шаҳрида 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига ижро учун келиб тушаётган иш 53,1 мингтага, миқдори эса 76,1 миллиард сўмга ортган.

Яна бир эътибор қаратиш лозим бўлган камчилик моддий-техник базадаги муаммолар билан боғлиқ. Масалан, Қуйичирчиқ тумани суд департаментининг биноси авария ҳолатида, бошқа суд департаментлари биноси таъмирталаб, мебель ва компьютер техникаси билан таъминлаш масалалари тўлиқ ҳал этилмаган.

Маълумки, Қонуннинг 54-моддасига асосан рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолашни ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ижрочси томонидан бозор қиймати бўйича амалга оширилади. Суд ижрочиси мол-мулкни баҳоловчи ташкилотни жалб этиши лозим. Бироқ, ўрганилган туман ва шаҳар суд ижрочилари бўлимларида аксарият ҳолларда баҳоловчи ташкилотлар тақдим этган ҳужжатлар бўйича олдиндан тўлов талаб этилаётгани, ижро бўлимларида уни олдиндан мустақил тўлаб бериш имконияти йўқлиги боис, қарздорларга тегишли мол-мулклар баҳоланмай, қарзларни ундириш кечикаётганлиги аниқланди.

Доимий комиссия ушбу масалани Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2011 йил 7 апрелда ўтказилган 10-сессиясига олиб чиқди. Унда Суд департаментининг вилоят бўлими бошлиғининг ҳисоботи тингланди. Депутатлар маърузачига кўплаб саволлар беришди. Сессияда ҳудудий бошқарма фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича фикрлар билдирилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Баҳодир ТОҒАЕВ,
Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.

БОЛАЛАР ЁЗИ

Мактаб ташвишларидан қутулиб, оромгоҳларда дам олишга шошилаётган болажонларнинг таътили мазмунли ўтиши учун юртимизда кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Барча мутасадди ташкилот ва корхоналар болаларнинг ёзги оромгоҳлари фаолиятини ривожлантиришга катта аҳамият беришлари мақсадга мувофиқ.

ТАЛАБАЛАР ЁЗДА ЕТАКЧИ

Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан 2007 йилдан бери ўтказиб келинаётган "Олий ўқув юрти талабаларини ёзги оромгоҳларга жалб қилиш" лойиҳаси доирасида олиб бораётган тадбирлар бир қатор ижобий натижаларни қайд этди.

Ёзги оромгоҳларда болажонларга дам олиш билан бирга ҳаётий билим ва кўникмаларини ўстириш, миллий қадриятларимизни ўргатиш лозим бўлади. Бунинг учун болалар оромгоҳларида ташкил этиладиган маданий-маърифий тадбирлар, ўзбек миллий ўйинлари, мустақиллик йилларида эришган ютуқлар ҳақида маълумотлар билан бойитиш жуда муҳим. Айниқса, тадбирларни замонавий педагогик ва психологик усуллар, шу жумладан, интерфаол ўйинлар, кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланган ҳолда амалга ошириш болажонларнинг ҳар томонлама қизиқишлари ортишига хизмат қилади. Бундай ишларни янада ривожлантириш мақсадида "Оромгоҳ – 2011" лойиҳаси доирасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Ўтган йилги лойиҳалардан фарқли ўлароқ, бу йил раҳбарлар билан келишган ҳолда оромгоҳ томонидан таклиф этилаётган ёшлар ҳам ушбу лойиҳада иштирок этишди. Шунингдек, филиаллар билан ҳамкорликда малака ошириш институтлари томонидан етакчилар тайёрланди.

Ўқув юртларининг талабалари ва фаол ёшларни болалар оромгоҳларига жалб қилиш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган малакали мутахассислар сифатида тайёрлаш ва педагогик кўникмаларни шакллантириш мақсадида бир неча ишлар амалга оширилди. Айниқса марказ томонидан ёзги оромгоҳларга етакчилар тайёрлаш бўйича 24 соатлик махсус ўқув курслари ташкил этилди. 2011 йил 28 майдан 13 июнгача "Етакчи" ёшлар марказида рўйхатга олинган талабалардан 70 нафари махсус дастур асосида ўқитилди. Курсларни муваффақиятли тугатган талабалар Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги ташкилотларнинг ёзги оромгоҳларига тақсимланди. Шунингдек, бу лойиҳа доирасида юртимиздаги барча вилоятларда ҳам ўқувлар ташкил этилиб, 983 нафар фаол ёшлар июнь ойида иш билан таъминланди.

Камола ИСМОИЛОВА.

ДАМ ОЛИШ МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Тошкент темир йўл вокзали ҳар кунгидан ҳам гавжум. Хоразм вилоятидан келган 430 ўғил-қизнинг кўзларида қувонч порлайди. Уларнинг шўх кулгуси ва хатти-ҳаракатларида ўзгача интиқлик сезилади. Бу бежиз эмас. Улар тез орада вилоятимизнинг энг сўлим гўшалари – "Бойчечак", "Коинот", "Зангори олов", "Йўлчи", "Тонг" ва "Меҳржон" оромгоҳларига жўнаб кетишади.

Ҳар йили бўлгани каби, бу йил ҳам Оролбўйидаги иқлими оғир ҳудудларда яшовчи 1500 боланинг ёзги таътилни вилоятимиз ҳам олиш масканларида ўтказиб, саломатликларини тиклашлари кўзда тутилган. Ёз соз ўтиши учун барча шароитлар яратилган оромгоҳларда болажонларни меҳрибон тарбиячилар, тиббиёт ходимлари, тўгарак раҳбарлари ва спорт мураббийлари очиқ чеҳра билан кутиб олишади.

2011 йилда вилоят бўйича 26 минг 190 болани, шундан 14 минг 40 болани 12 та шаҳардан ташқари стационар оромгоҳларда ижтимоий суғурта, касаба уюшмалари, ота-оналар, хўжалик органлари маблағлари, 12 минг 150 болани мактаб ва коллежлар қошидаги кундузги соғломлаштириш оромгоҳларида ҳокимликлар, ҳомийлар ҳисобидан соғломлаштириш ва дам олдириш режалаштирилган. Асосий эътибор болаларни оромгоҳларга кўпроқ жалб этиш, хавфсизлигини таъминлаш, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказиш, тарбиявий ишларни йўлга қўйиш, турли мавзуда суҳбат ва учрашувлар уюштиришга қаратилган. Ҳар бир оромгоҳда маънавият ва маърифат, компьютер хоналари, кутубхоналар ташкил этилган. Ўтказиладиган барча тадбирлар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланади.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: болалар оромгоҳларга йўл олишди.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД

Ангренда мактаб ўқувчилари ёзги таътилни мароқли ўтказишларига қаратилган ташкилий ишлар самараси ўлароқ 18-умумтаълим мактабида "Лаззат" болалар ёзги дам олиш оромгоҳи иш бошлади.

Унинг очилиш маросимида шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари вилоят кенгаши каби ҳамкор ташкилотлар иштирок этиб, болажонларга аталган совғалар, зарур қимматбаҳо жиҳозлар, анжомларни тақдим этишди.

Оромгоҳнинг номи "Лаззат" эканлиги бежиз эмас. Мактабнинг аҳил жамоаси қисқа муддатда чиройли кўнгилочар боғчалар, овқатланиш зали, шинам, ораста ётоқхоналар, катта-кичик спорт заллари ва кутубхонани чиройли қилиб жиҳозлашди. Ҳавас қилса арзигулиқ, номи ўзига ярашган бу масканда кам таъминланган оиналарнинг 50 фарзанди бепул дам олишади.

– Болажонлар бизнинг келажагимиз, – дейди мактаб директори Маҳмуд Турғунбоев. – Улар учун барча шароитни муҳайё этиш – эртанги кун пойдеворига ғишт қўйиш дегани. Бу йўлда ҳар қандай ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш ҳар бир ота-она, ўқитувчи, тарбиячининг бурчи.

Бир қарашда ажойиб чаманзор, истироҳат боғини эслатадиган мактаб ҳовлиси, дарҳақиқат, ҳавас қилгулик. Болажонларга бекиёс шодлик, қувонч бағишлайдиган сув ҳавзаси, чайинадиган хоналар энди ёз давомида дам олувчилар ихтиёрида бўлади.

Саида РАҲМОНОВА.

«СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА»

«ГРАНД ОРЗУ»ДА СЕМИНАР

Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Худудий ОАВларининг Ўзбекистонда болалар саломатлиги масалаларини ёритишдаги салоҳиятини ошириш" мавзусида семинар-тренинглар ўтказишни бошлади.

Туркум семинарлар аҳолини, хусусан кўп болали оилаларни она ва бола саломатлиги, она сутининг афзалликлари, тўғри овқатланиш ва болалар ҳавфли касалликларининг олдини олиш чора-тадбирларидан хабардор қилишда журналистларнинг ролини оширишга бағишланди.

Семинарнинг биринчи босқичи пойтахт ва Тошкент вилояти журналистлари ҳамда тиббиёт ходимлари иштирокида "Гранд Орзу" меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Охирги ўн йил ичида юртимизда соғлом овқатланиш, оналар орасида йод ва фолий кислотаси танқислиги ҳамда камқонликни бартараф этишга қаратилган бир қатор қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Улар ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришда журналистларнинг янада фаолроқ бўлишлари, энг муҳими бу масалалар бўйича етарли билим ва дунёқараш талаб этилади. Семинарда ОАВ вакиллари мавзуга оид маърузалар тинглашди.

Саид АСҚАРОВ.

"Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг ҳудудий бўлимлари қошидаги "Келажак-пресс" матбуот маркази аъзолари пойтахтимиз марказий нашрлари ва интернет порталлари жойлашган офисларда бўлиб, интернет журналистикаси бўйича ўз билим ва маҳоратларини оширишди.

ЖУРНАЛИСТЛАР АМАЛИЁТДА

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг "Республика ҳудудий босма ОАВларида фаолият юритаётган ёш журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириш" лойиҳаси доирасида 30 нафар бўлажак ёш журналистлар бир ҳафта давомида соҳанинг назарий ва амалий жиҳатларини таққослаб, ўзига хос хусусиятларини пухта ўзлаштиришди.

Лойиҳа иштирокчилари "Халқ сўзи"-"Народное слово", "Ўзбекистон овози"-"Голос Узбекистана", "Моҳият", "Жамият", "Адолат", "Маърифат"-"Учитель Узбекистана" газеталари, "ЎзА", "Туркистон-пресс" ахборот агентликлари ва "UzReport.com", "Uzinfocom.uz" интернет-порлали таҳририятида амалиёт ўтаб, ўз тажриба ва кўникмаларини оширишди. Бу ерда тажрибали журналистлар томонидан ёш қаламкашлар учун "Босма нашрларнинг интернетдаги веб-сайтлари ва уларнинг бугунги кундаги ҳолати", "Ахборот агентликлари томонидан тайёрланаётган янгиликлари интернет сайтларга тезкорлик билан жойлаштириш масалалари", "Интернет журналистикасининг услуби: жозибакор сарлавҳалар", "Мамлакатимизда интернет журналистикасининг равнақи: интернетда фото журналистикасидан фойдаланиш маҳорати" каби мавзуларда маърузалар ўқилди ҳамда таҳририят сайтларига кириб, амалиёт ўталди.

Ҳафта давомида ёшлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида, Ўзбекистон Экология ҳаракатида, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида, Ўзбекистон миллий университетида ҳамда Ўзбекистон жаҳон тиллари университети Журналистика факультетларида ўтказиладиган турли кўрик-танлов, учрашув ва давра суҳбатларида иштирок этишди.

Азима ҚИЁСОВА,
"Туркистон-пресс".

ТАДБИР

Мамлакатимизда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликда иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида йирик инвестиция лойиҳалари ишланмоқда. Шу кунгача қиймати 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг 153 та лойиҳа якунланди. Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ва Ислом тараққиёт банки билан шартнома асосида 2,4 миллиард АҚШ долларлик 45 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ташкил этди.

Энг катта лойиҳалардан бири Осиё тараққиёт банки билан имзоланган 600 миллион доллар миқдоридаги шартнома бўлиб, бу маблағ Ўзбекистон миллий автомагистралига тегишли 222 километр йўлни қуриш ва реконструкция қилишга йўналтирилди.

Охирги беш йилда республика иқтисодиёти ўртача 8 фоизга ўсгани танланган йўлнинг тўғрилигини кўрсатмоқда. Турли соҳалар бўйича 1076 та йирик лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 фоизга ўсди. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида саноатчиларимиз 160 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Ўзбекистон иқтисодиётида янги босқични очиб берган "Спарк" автомобили, энергия тежовчи ускуна ва лампалар, чет элда машҳур бўлган музлаткичлар шулар жумласидандир.

Транспорт инфратузилмаси ҳақида сўз борганида шуни айтиш ўринлики, темирйўл, автомобиль йўллари муттасил яхшиланиб бормоқда. Шаҳарларимиздаги бир қатор аэропортлар жаҳон стандартлари даражасида қайта қурилди.

Шунингдек, тадбирда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўсишига эришилгани алоҳида таъкидланди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш соҳаларига замонавий технологияларни жорий этиш, таълим муассасалари ва тураржой бинолари қуриш бўйича амалга оширилаётган ва режадаги йирик молиявий лойиҳалар ҳақида ҳам кенг маълумот берилди.

Тадбир қизиқарли саволжавоблар билан якунланди.

Зулфия АҲМАДЖОНОВА.

ФАРМОН ВА ИЖРО

КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТ ҲАҚИНИ ВАҚТИДА ТЎЛАШНИ УНУТМАЙЛИК

Электр энергияси ва табиий газ истеъмолчиларининг қарздорлигини хатловдан ўтказиш давом этмоқда

Коммунал хизматлар, хусусан электр таъминоти ва табиий газ корхоналари хизматидан ҳар куни фойдаланамиз. Ҳаётимизни бу неъматларсиз тасаввур этиш қийин. Айниқса, электр энергияси кириб бормаган бирор соҳа ёки хонадонни учратиш мушкул. Шундай экан ўринли савол туғилади: биз табиатнинг бу неъматидан эмин-эркин фойдаланишимиз учун кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаяпмизми? Ҳозирги кунда юридик ва хусусий шахсларнинг табиий газ ва электр энергиясидан қарздорлиги қай аҳволда?! Бу долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Ҳукуматимиз бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, масала ечимини топиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Вазирлар Маҳкамаси 2011 йилнинг 17 май куни "Табиий газ ва электр энергияси истеъмолчиларининг қарздорликларини хатловдан ўтказиш тўғрисида"ги 283-Ф-сонли фармойишни тасдиқлади. Хатлов ўтказишдан асосий мақсад истеъмолчиларнинг ҳақиқий қарзларини аниқлаш, уни ундириш чораларини кўриш ҳамда қоидабузарлик ҳолатлари бўйича тегишли чоралар кўриш ва келгусида қарздорлик ўсишининг олдини олиш бўйича таклифлар киритишдан иборатдир. Мазкур тадбирни ўтказиш учун республика комиссияси ва ўз навбатида ҳудудларда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари раислигида ҳудудий комиссиялар таркиби тасдиқланди. Жойларда ишларни тўғри ва сифатли ташкил этиш мақсадида туман ва шаҳар ҳокимлари раислигида жамлама гуруҳлар ҳамда бевосита ҳатловни амалга оширувчи туман ва шаҳар Давлат солиқ идоралари ходимлари бошчилигида маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, газ ва электр таъминоти корхоналари масъуллари, ички ишлар ходимларидан иборат гуруҳлар тузилди. Улар 1 июнь кунидан бошлаб туман (шаҳар) ҳокимиятлари қошидаги штаб орқали кунлик ишларини режалаштирган ҳолда аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларни жойларга чиқиб белгиланган тартибда кўрикдан ўтказмоқдалар. Шу нарса қувончлики, жойларда ҳатлов ишларини тўғри, сифатли ва ўз вақтида ўтказилишида маҳалла идоралари фаоллари, солиқ идоралари ва ички ишлар ходимлари аҳолига тўғри тушунтириш орқали амалий ёрдам беришмоқда. Натижада қарзларни камайтириш таъминланмоқда.

Хатлов жараёнининг ўтган кунлари давомида вилоят бўйича жами 38 минг 666 аҳоли ва 2328 улгуржи истеъмолчининг қарздорлиги ҳатловдан ўтказилди. Минг афсуски, истеъмолчилар орасида электр энергияси ва табиий газ учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмайдиган ҳамда ундан нотўғри фойдаланувчилар ҳам аниқланмоқда. Ўтган вақт давомида улгуржи истеъмолчилар бўйича 231 та, аҳоли бўйича 2009 та ҳолатда қоидабузарлик аниқланди ва қоидага мувофиқ расмийлаштирилиб, камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Хатлов жарёнида банк ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Хусусан, жойларда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида сайёр кассалар ташкил этилиб, тўловларни жойида қабул қилиш имконияти яратилмоқда. Ушбу сайёр кассалар махсус терминаллар билан жиҳозланган бўлиб, бу тўловларни пластик карточкалар орқали ҳам амалга ошириш имконини бермоқда.

Республикамизнинг барча ҳудудлари қатори вилоятимизда ҳам бу ишлар давом эттирилмоқда. Ушбу тадбирни белгиланган вақтда ва сифатли ўтказишда ҳар биримизнинг фаоллик кўрсатишимиз мақсадга мувофиқдир. Кўрсатилган коммунал хизматлар, хусусан, етказиб берилган электр энергияси ва табиий газ учун ўз вақтида ҳақ тўлашни унутмайлик. Бу билан ўз навбатида соҳа ривожи учун ҳисса қўшган бўламиз.

"Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ маъмурияти.

ИННОВАЦИЯ – ЕТАКЧИ ОМИЛ

Хўжакент шаҳарчасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан партия вилоят кенгаши ҳамкорлигида Ўзбекистон энергетикасининг инновацион тараққиёти ва мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб ўқув-семинар ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси партия сиёсий кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатлари, партия фаоллари ва соҳа олимлари иштирок этдилар.

Ўқув-семинар иштирокчилари демократик жамиятнинг ривожланиш босқичлари, хусусан, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тараққиётининг янги босқичи ҳақида ахборотга эга бўлишди. Партия фаолларига давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партияларнинг аҳамияти очиб берилди. Улар меъёрий-йўриқнома ҳужжатларининг электрон нусхаси, тегишли адабиёт ва кўргазмали тарғибот материаллари билан таъминландилар.

Тадбир сўнгида партиянинг мустақилликнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган тадбирлар режаси лойиҳаси муҳокама этилиб, тавсиялар қабул қилинди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

XXI аср ва дунё

ЭСМИНЕЦ КОНТРАБАНДАГА ТЎСИҚ ҚЎЙДИ

АҚШ Ҳарбий-денгиз кучлари Шимолий Кореянинг Мьянмага ноқонуний тарзда қурол-яроғ олиб бораётган кемасининг йўлини тўсди.

Америкалик дипломатлар сўзига таянган The New York Times газетаси шу хабарни тарқатди. АҚШ денгизчилари гумонсираган "Лайт" кемаси қурол-яроғ контрабандасида илгари ҳам қатнашган эди. У 26 май куни Шанхайдан жануброқда "Меккэмбелл" эсминеци томонидан қўлга туширилганди. Тахмин қилинишича, кема ўқ отиш қуроллари ва ракета қисмларини олиб кетаётган бўлиши керак эди. АҚШдан текшириб кўриш ҳақида расмий талаб олингач, "Лайт" экипажи тўрт марта рад жавоб берди.

Бу ишга Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси дипломатлари аралашиб, бир неча кун давомида олиб борилган музокаралардан сўнг "Лайт" капитани ортга қайтишга қарор қилган ва КХДРга келган.

Шимолий Корея ноқонуний қурол-яроғ етказиб бериш масаласида биринчи бор гумон остида қолаётгани йўқ. БМТ мутахассислари 2009 ва 2011 йилларда тайёрлаган иккита маърузанинг мазмунига қараганда, КХДР Мьянма, Сурия ва Эрон билан қурол-яроғ айирбошлашиб туради. Бу БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши ташкилоти 2009 йилда Пхеньян ядро портлатувлари якуни бўйича қабул қилган резолюциясига зид ҳолда амалга оширилган.

ЯНА ЕР СИЛКИНДИ

Янги Зеландиянинг Крайстчерч шаҳрида 13 июнь – душанба куни яна зилзила рўй бериб, AFP агентлиги маълум қилишича, шаҳарда камида битта бино қулаб тушган.

Маҳаллий полиция маҳкамасидан хабар қилишларича, бино қулаган пайтда ичида одам бўлмаган, яъни ҳеч ким жабрланмаган. Шу йил февраль ойида юз берган ер силкинишларидан шаҳар қисман вайрон бўлган эди.

BBC News душанба куни Крайстчерчда ер аввал 5,2 магнитуда, орадан бир соату йигирма дақиқа ўтиб, яна 6 магнитуда куч билан силкингани ҳақида хабар тарқатди. Унда таъкидланишича, шаҳар аҳолиси орасида жабрланганлар бор. Аммо, уларнинг сони ва жароҳатлари қай даражада жиддий эканлиги ҳақида маълумот берилмади. Февралдаги зилзила эса, бутун бошли даҳаларни вайрон қилиб, 181 кишининг ҳаётига зомин бўлганди.

ЁШ ИСТЕЪДОД СОҲИБАСИ

Бир-биридан бежирим ясалган ҳунармандчилик буюмларини кузатар эканман, устига нақшинкор миниатюра санъати услубида ишлов берилган қутичаларга нигоҳим тушди.

– 2000 йилдан устозлар кўмагида ишлаяпман, – дейди ёш ҳунарманд Ирода Зиёдхонова. – Илк сабоқни Зилола Сулаймоновадан олдим. Иккинчи устозим Азиз Бобожонов раҳнамолигида кейинроқ бу санъатни мукаммал эгалладим. Ҳозир турли кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашмоқдаман. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили ёш истеъдодларга ижод намуналарини халққа кўрсата олиш имконини берди. "Базар арт", "Ёш ҳунарманд", "Ташаббус" каби танлов ва кўргазмаларнинг ташкил этилиши айни муддао бўлаяпти.

– Ирода касбига ниҳоятда қизиқади, – дейди устози Азиз Бобожонов. – У каби шогирдларим бир нечта кўргазмаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: ҳунарманд Ирода Зиёдхонова устози билан.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МАҲАЛЛАДА ЎН КУН

Қибрай туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази 12 та шаҳарча ва қишлоқда 10 кун давомида маҳалла фаоллари, масъул котиб, нафақа ва моддий ёрдам тайинлашни кўриб чиқувчи комиссия аъзолари ва фуқаролар учун очиқ ўқув-семинарлари ўтказди.

Семинарда нафақа ва моддий ёрдамга муҳтож оилаларнинг моддий ва мулкий аҳволини ўрганиш юзасидан зарур тавсия ва маслаҳатлар берилиб, йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.

ТАРҒИБОТДА ГАП КЎП

Халқ мулкини, ўз уй-жойимиз ҳамда қўни-қўшниларимиз хонадонини ёнғиндан асрашда тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти катта. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари шу мақсадда кўплаб тадбирлар ўтказмоқдалар.

Жумладан, жойларда учрашувлар ташкил этилиб, аҳоли орасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидалари, уларга риоя қилиш бўйича амалий кўрсатмалар берилди. Бундан ташқари, саноат корхоналари, олий билим юртлари, мактаб, боғча, маҳалла ва аҳоли тураржойларида режали текширувлар ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад, ёнғинга қарши курашни кучайтириш, офатнинг олдини олишга аҳолини кенг жалб этишдир. Зеро, "тилсиз ёв" кўпчиликка азият етказиши, турли кўнгилсиз ҳодисаларга сабабчи бўлиши аниқ. Аҳоли очиқ алангадан фойдаланганда эҳтиёткор бўлиши, электр билан ишлайдиган анжомларнинг соз эканлигини назорат қилиши, тунда уларни ўчириб қўйишига одатланиши зарур.

Шунингдек, қўлбола ва носоз иситиш мосламаларидан фойдаланиш тақиқланади. Электр симларни уйнинг ёнувчи қисмларидан махсус қопламалар орқали ўтказиш, болаларга олов билан ўйнаш хавфли эканини тушунтириш лозим. Ҳеч ким фарзандининг ёнғин сабабли ногирон бўлиб қолиши ёхуд ҳаётдан бевақт кўз юмишини истамайди. Шунинг учун болаларга ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш талаб этилади.

Юқоридаги тавсияларга амал қилсак, фуқароларимизнинг ёнғин офатидан сақланишларига, уйларидан хурсандчилик ва қут барака аримаслигига эришамиз.

Жаҳонгир МАДРАИМОВ, 20-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта инспектори.

НИГОҲ

ТОЖИКИСТОНДА КУЙДИРГИ ХУРУЖИ

Мамлакат жанубидаги Сўғд вилоятида кам деганда 14 киши куйдирги касалига чалинганликда гумон қилиниб, шифохонага ётқизилди. Республика санитария-эпидемиология назорати вилоят бошқармаси ходими шу ҳақда хабар берди.

Ходимнинг таъкидлашига қараганда, инфекция ўчоғи вилоятнинг Шаҳристон туманидаги Қайирма шаҳарчасида қайд этилган. Шаҳарчада яшовчи Барно Бақоева эрталаб туриб, молхонага кирганида, тўрт бош сигирининг ўлиб ётганини кўрди. Кейинги кунлари Қайирмадаги бошқа хонадонларда ҳам моллар шу зайлда ҳаром ўлаётгани маълум бўлди.

Шаҳарчага етиб келган санитария-эпидемиология назорати ходимлари аниқлашдики, моллар куйдирги касалидан нобуд бўлаётган экан. Эпидемия кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида санитария-эпидемиология назорати ва ветеринария хизмати ходимларидан тузилган комиссиянинг қарори билан Истарафшон туманидаги ҳамма гўшт бозорлари ёпилди.

Хонадонларни айланиш жараёнида куйдиргига чалинган 17 та мол аниқланиб, улар зудлик билан сўйилди. Хонадон эгалари ва касал молларга теккан бошқа одамлар ҳам шифохонага ётқизилди. Сўйилган моллларнинг танаси эса, шаҳарча чеккасига олиб чиқилиб, кўмиб юборилди.

Шуниси ажабланарлики, куйдиргига чалинган моллар шаҳарча ўйингоҳига яқин жойга кўмилди. Маҳаллий ёшлар бу ерда футбол ўйнайдилар. Бунинг устига "сигирлар қабристони" ёнидан у қадар катта бўлмаган канал оқиб ўтади.

Қўшимча маълумот сифатида таъкидлаш жоизки, куйдирги – ўткир юқумли касаллик. Уй ҳайвонлари (қорамол, қўй, эчки, чўчқа) инфекция тарқатувчи манба ҳисобланади. Касал молни парваришлаш, сўйиш, гўштини нимталаш, шунингдек, терисига текканда одамга ҳам юқиши мумкин.

Куйдирги тупроқ орқали ҳам юқиши маълум. Чунки, куйдиргини келтириб чиқарувчи спора (айрим ҳужайрали жониворларнинг урчиш орган)лари узоқ йил яшовчан бўлади. Споралар одамнинг у ер-бу ери шилинганда, терига ўтади.

Куйдиргининг энг кўп тарқаладиган формаси тери орқали юқишидир. Бу ҳол молни парваришлаш жараёнида юз беради. Антибиотиклар ихтиро қилингунча куйдиргидан ўлиш тахминан 20 фоиз атрофида эди. Бугунги даволаш усуллари эса, уни 1 фоизга туширди. Аммо куйдиргининг ўпкадаги формасида ўлим ҳоллари 100 фоизгача боради.

Зарарланган гўшт истеъмол қилинганда, куйдиргининг ичак формаси юзага келади. Бунда касаллик келтириб чиқарувчи микроблар қонга ўтиб, хасталикнинг септик формаси бошланади. Антибиотиклар ёрдамидаги замонавий терапия шароитида ўлим ҳолати 50 фоиз атрофида бўлади.

Рифъат АМОНОВ. Белый Парус.

ХВФ РАҲБАРИ ЛАВОЗИМИ ТАЛАШДА

Исроил Банки бошлиғи Стэнли Фишер Халқаро валюта фонди раҳбари лавозимига номзод бўлди, дея хабар тарқатди Reuters агентлиги.



Исроил молия вазири Ювал Штайниц Фишернинг номзодини қўллаб-қувватлашини билдирди. Фишер эса сайловларда қатнашишга нима учун қарор қилганини "мен "ноёб тажрибага" эгаман", дея изоҳлади. "ХВФга ёрдамим тегишига ишонаман", деди 67 ёшли иқтисодчи.

Стэнли Фишер фонд раҳбари лавозими учун курашда Франция молия вазири Кристин Лагард ҳамда Мексика Марказий банки бошлиғи Агестину Карсенсу билан рақобатлашади.

Кристин Лагард Халқаро валюта фонди раҳбари лавозимига асосий даъвогар ҳисобланади. Уни Буюк Британия, Германия, Хитой ва Швеция қўллаб-қувватлади. Россия Федерацияси бош вазири Владимир Путин Лагард номзодини "жуда муносиб" деб атади.

Доминик Стросс-Кан ўз ваколатини зиммасидан соқит қилганидан сўнг ХВФ раҳбари лавозими бўшаб қолган эди. Уни АҚШда бир аёлни зўрлашда айблашмоқда. Ҳозир Стросс-Кан уй қамоғида ўтирибди.

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎЗГАРТИРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИШМАДИ

Туркиядаги парламент сайловларида ғолибликка эришган Адолат ва тараққиёт партияси (АТП) мамлакат конституциясини ўзгартиришга оид режасини монеликсиз амалга ошириш учун зарур бўладиган овозни ололмади.

Бюллетенларнинг 98,9 фоизи текшириб бўлинганда АТП 50,1 фоиз овоз олгани маълум бўлди. Бинобарин, у парламентдаги 550 ўриндан 326 тасига эга бўлади. Бу натижа якка партияли ҳукумат тузиш ва уни бошқарган Режеп Гайин Эрдоганга учинчи бор бош вазир бўлиш имконини беради. Аммо конституция учун ҳукумат референдум ўтказиши керак бўлади. Негаки, АТП парламентда 330 та овоз олгандагина мақсадига референдумсиз эришган бўларди.

Аввалроқ Эрдоган парламент сайловларидан сўнг АТП 1982 йилда ҳарбий ҳукумат қабул қилган конституцияни ўзгартиришини айтган эди. Бу давлатни янада демократлаштириш ва фуқароларнинг шахсий эркинликларини янада кенгайтириш учун жуда зарур деган эди у.

ИСРОИЛ ЖОСУСИ ҚЎЛГА ТУШДИ

AFP агентлиги тарқатган хабарда "Миср иқтисодиёти ва сиёсий манфаатларига зарар етказиш мақсадида жосуслик қилган"ликда гумон қилинган киши қўлга олинди.

Мисрнинг расмий MENA агентлигига таяниб эълон қилинган хабарга кўра, гумондор ҳозирча 15 кунга қамалган. Reuters агентлиги манбаларидан бирининг аниқлик киритишича, у мамлакат президенти Ҳусни Муборак лавозимидан кетгандан кейинги Тахрир майдонидаги ғалаёнларда фаол қатнашиб, мисрлик ёшларни армия билан тўқнашувларда иштирок этишга чақирган, айримларига пул тавсия қилган. MENAнинг маълум қилишига қараганда, жосусликда гумон қилинаётган бу шахс "Моссад"га хизмат қилган.

Reutersнинг таъкидлашича, MENA агентлиги қўлга олинган кишининг арабча исм-шарифини келтирган, бироқ уни инглиз тилида талаффуз қилиш ва ёзиш жуда қийин.

Агентлик Миср Ташқи ишлар вазирлигидан ҳеч қандай шарҳ, тушунтириш ололмади. Исроил Ташқи ишлар вазирлигидан эса, бу можаро ҳақида ҳеч нарса билмасликларини маълум қилишди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 14.03.2011 йилдаги 7563-65/17-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 19-даҳада жойлашган, ум. майдони 98,66 кв.м., 4 яшаш хонадан иборат бўлган 12-уй, 166-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда, бош.нархи – 97 000 000 сўм. Яккасарой тумани СИБ томонидан 28.03.2011 йилдаги 1109/1436-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Марказ 13, 28-уйда жойлашган, ум. ер майдони 524 кв.м.дан иборат, умумий майдони 479 кв.м. бўлган савдо дўкони ва омборхона биноси қўйилмоқда, бош.нархи – 242 500 000 сўм. Сирғали тумани СИБ томонидан 19.07.2010 йилдаги 17353/18-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Сирғали 8-А мавзесида жойлашган, ум. майдони 95,38 кв.м. бўлган 11-уй, 8-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда, бош.нархи – 61 000 000 сўм. Учтепа тумани СИБ томонидан 17.02.2011 йилдаги 11059/11-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 14-мавзеда жойлашган, ум. фой. майдони 48,68 кв.м., яшаш майдони 28,73 кв.м. бўлган 16-уй, 48-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда, бош.нархи – 32 469 294 сўм. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 15.11.2010 йилдаги 11963-66-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 22-уйда жойлашган, ум. майдони 227,0 кв.м. бўлган уч қаватли бинонинг ярим ертўла қисми бўлган қаҳвахона биноси қўйилмоқда, бош.нархи – 151 102 000 сўм. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 26.05.2010 йилдаги 8883/5-сон ижро ҳужжатига асосан, Шайхонтоҳур тумани, Ф. Абдуллаев кўчаси, 1-А уйда сақланаётган, 2007 йилда и/ч., дав.бел. 01 В 423 АА бўлган "Матиз" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 4 800 000 сўм. М. Улуғбек тумани СИБ томонидан 23.02.2011 йилдаги 6744-45/17-сон ижро ҳужжатига асосан, ЖИБ М. Улуғбек суди ҳовлисида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 01 D 331DA бўлган "Матиз бест" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 11 055 860 сўм.

Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан "Регистон", "Гулбаҳор Матлубот Савдо", "Ўткир" жарима майдончаларида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 05.07.2010 йилдаги № 1-9016-сон ижро ҳужжат. асосан, 1990 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 Y 6804 бўлган "М-412" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 000 000 сўм. 2. 26.002.2010 йилдаги № 436-сон ижро варақ. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 W 2694 бўлган "Ваз-21063" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 983 170 сўм. 3. 22.02.2011 йилдаги № 305-сон ижро варақ. асосан, 1985 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 G 8484 бўлган "Мерседес бенц" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 199 000 сўм. 4. 18.12.2010 йилдаги № 11693/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 1980 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 E 7924 бўлган "Камаз-53212" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 21 733 200 сўм. 5. 18.12.2010 йилдаги № 11693/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 1986 йилда и/чиқ., дав.бел. X897 ОСМ бўлган "Камаз-5320" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 23 724 368 сўм. Зангиота тумани СИБ томонидан МЧЖ "Кўк терак Матлубот Инвест" ва Савдогарбанк Зангиота филиалида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 01.11.2010 йилдаги № 12430-сон ижро ҳужжат. асосан, 1998 йилда и/чиқ., дав.бел. АР 0672 РТ бўлган "Гранд Чероки" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 28 928 391 сўм. 2. 08.11.2010 йилдаги № 10798/9-сон ижро ҳужжат. асосан, 2006 йилда и/чиқ., дав.бел. 2918 ВД бўлган "Беларус-1025" русумли трактор воситаси, бош. нархи – 34 980 000 сўм. 3. 23.12.2010 йилдаги № 14323-сон ижро ҳужжат. асосан, 1987 йилда и/чиқ., дав.бел. 10J 225 СА бўлган "ГБА СПГ ВАЗ 21063" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 308 959 сўм. Ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан 15.12.2010 йилдаги 6260-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-даҳа 74-уйда сақланаётган, 1992 йилда и/ч., дав. бел. 30 L 5268 бўлган "Ренд Ровер" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 24 000 000 сўм. Юқоричирчиқ тумани СИБ томонидан 11.04.2011 йилдаги 11-1132/4171-сон ижро варақ. асосан, Юқоричирчиқ ЖИБ суди ҳовлисида сақланаётган, 2005 йилда и/ч., дав. бел. 10 388 ВАА бўлган "Газ 322132-220" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 10 651 000 сўм. Қибрай тумани СИБ томонидан 09.02.2011 йилдаги 996-сон ижро ҳужжат. асосан, Қибрай тумани ИИБ ЙХХБ да сақланаётган, 1983 йилда и/ч., дав.бел. 10 D 214 DA бўлган "Газ-24" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 1 549 000 сўм. Бекобод тумани СИБ томонидан Ёшлик ХХСК омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 21.04.2011 йилдаги № 2318-сон ижро ҳужжат. асосан, 2008 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 U 355 СА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 15 137 000 сўм. 2. 21.04.2011 йилдаги № 2318-сон ижро ҳужжат. асосан, 2008 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 А 963 АА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 15 137 000 сўм. 3. 21.04.2011 йилдаги № 2318-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 S 272 АА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 16 894 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 14 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 4 август куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 30 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Қибрай тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти, Қибрай тумани "Арғин савдо" корхонасида сақланаётган автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 10. 02.08.2010 йилдаги № 6630-сон ижро ҳужжатига асосан, 1991 йилда и/ч., дав.бел. 30 V 7301 бўлган "Газ 2411" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 121 731 сўм. 2. 10.07.2009 йилдаги № 8337-сон ижро ҳужжатига асосан, 1986 йилда и/ч., дав.бел. Х 520 ЕАМ бўлган "Камаз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 495 866 сўм. 3. 02.03.2009 йилдаги № 4031-сон ижро ҳужжатига асосан, 1991 йилда и/ч., дав.бел. Х 452 УТМ бўлган "BMW 520" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 14 655 893 сўм. 4. 08.08.2009 йилдаги № 9553-сон ижро ҳужжатига асосан, 1991 йилда и/ч., дав.бел. 11 О 3604 бўлган "Камаз 4310" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 222 592 сўм.

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан қуйидагилар қўйилмоқда: 1. 19.04.2010 йилдаги № 2-037-10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Х. Абдуллаев кўчасида жойлашган № 71-сонли гараж, бош. нархи – 1 211 264 сўм. 2. 19.04.2010 йилдаги № 2-037-10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Мўминова кўчасида жойлашган, 1 та яшаш хонасидан иборат бўлган 3-уй, 14-хонадон (уй), бош. нархи – 18 957 404 сўм. М. Улуғбек тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти ИИБ ЙХХБ сақлаш майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 1. 09.08.2010 йилдаги № 2-123/10-сон ижро ҳужжат. асосан, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. 10 С 807 АО бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 746 793 сўм. М. Улуғбек тумани СИБ томонидан 09.08.2010 йилдаги № 2-123/10-сон ижро ҳужжат.асосан, Тошкент вилояти ИИББ ЙХХБ майдончасида сақланаётган, 2003 йилда и/ч., дав.бел. 10 U 350 АА бўлган "Газ-3110-101" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 7 279 414 сўм.

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан "Тошкент лифт" трести корхонасига қарашли бўлган, 12.03.2009 йилдаги 10-0914/987-сон ижро варақасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Строитель даҳаси, 9-А уй, 73-хонадон манзилида жойлашган, ум. майдони 86 кв.м бўлган нотураржой биноси, бош. нархи – 33 019 887 сўм. 2. Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Строитель даҳаси, 2-уй, 25-хонадон манзилида жойлашган, ум. майдони 71 кв.м. бўлган нотураржой биноси, бош.нархи – 27 792 951 сўм. 3. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 85-уй, 155-хонадон манзилида жойлашган, ум. майдони 68 кв.м. бўлган нотураржой биноси, бош.нархи – 37 085 317 сўм. 4. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 24-даҳа, 55-уй, 157-хонадон манзилида жойлашган, ум. майдони 69 кв.м. бўлган нотураржой биноси, бош.нархи – 31 201 743 сўм. Чилонзор тумани СИБ томонидан 30.09.2010 йилдаги № 10-1001/16285-сон ижро варақ. асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-мавзе, 11-А уй манзилида сақланаётган, 2007 йилда и/ч., дав.бел. М 8473 бўлган "Паз 32054" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 38 031 300 сўм. Чилонзор тумани СИБ томонидан 21.06.2010 йилдаги № 1-278-10-сон ижро варақ. асосан, ИИБ ЙХХБ га қарашли, 2-сонли жарима майдончасида сақланаётган, 1995 йилда и/ч., дав. бел. Х 651 CPN бўлган "Опель Вектра" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 9 907 317 сўм. Бекобод тумани СИБ томонидан 25.06.2009 йилдаги № 5855-сон ижро варақ. асосан, ХХСК Ёшлик омборхонасида сақланаётган, 1988 йилда и/ч., дав.бел. 11 W 5138 бўлган "Опель Омега" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 1 841 296 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 № 000003.

Қуйичирчиқ (собиқ Ғалаба) туманидаги 24-мактаб томонидан 1989 йилда Султанова Гулдана Исалиевна номига берилган № 776807 рақамли 10-синфни тугатганлиги тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянное гувохнома реестр. № 005473-04 от 22.02.2010 г. № 005473 выданный хокимиятом Мирзо Улугбекского района г. Ташкента в ООО "SAHOVATLI BO'L" (ИНН 301510875),

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный диплом К № 545528 (рег. № 772) выданный 2006 году Ташкентским профессиональным колледжом железнодорожного транспорта (бывший Ташкентский техникум железнодорожного транспорта) на имя Арипова Дилмурода Рахимджановича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Негосударственное образовательное учреждении "BIZNES AVTO" (ОКПО 17818590), зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательство Юнусабадского района г. Ташкента под реестр. № 0060023-10 от 08.09.2010 г. извещает об уменьшении уставного фонда с 23 000 000 сумов до 3 000 000 сумов. Претензии принимаются в течение 30 дней со дня опубликования объявления по тел.: (+99897) 713-19-80.

ООО "ADS FARM GROUP" (ИНН 205076822, ОКОНХ 71212), зарегистрированное в инспекции по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Чиланзарского района г. Ташкента за реестр. № 000468-08 от 28.05.2004 г. сообщает об уменьшении уставного фонда с 152 450 000 сумов до 96 100 000 сумов. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: 230-50-55.

ООО "XAFIZA-SAVDO" (ИНН 204429113) Шайхантахурского района г. Ташкента уменьшает уставной фонд с 21 241 995 сумов до 14 161 330 сумов. Претензии кредиторов принимаются в течении 30 дней с даты публикации настоящего объявления по тел.: 354-48-54.

«ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРАРО ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ АВТОСАРОЙИ»

масъулияти чекланган жамият аъзоларининг 27 май 2011 йилдаги навбатдан ташқари йиғилиш қатнашчилари қарорига (баённома № 3) биноан "Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчи ташиш автосаройи" масъулияти чекланган жамият аъзолигига кирмаган "Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчи ташиш автосаройи" ОТАЖнинг собиқ акциядорларига акцияларига тўлов ҳақида хабар беради. Собиқ "Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчи ташиш автосаройи" ОТАЖнинг акциядорлари 2011 йил 1 августгача бухгалтерияга учрашсин ва акцияларини сотиш истагини билдиришсин.

"Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчи ташиш автосаройи" масъулияти чекланган жамият раҳбарияти.

МЕКСИКА ЯШИЛ МАЙДОНЛАРИДА ЙИГИРМА УЧ КУН

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Мексикага жўнаб кетди. Жорий йилнинг 18 июнь – 10 июль кунлари Мексиканинг Мехико, Гвадалахара, Монтеррей, Морелия, Торреон, Пачука, Куэретаро шаҳарлари мезбонлик қиладиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли 24 терма жамоаси ғолиблик учун баҳс олиб боради.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мусобақанинг "D" гуруҳида АҚШ, Чехия ва Янги Зеландия футболчилари билан куч синашади. Қоидага биноан, ҳар бир гуруҳдан дастлабки икки ўринни эгаллаган ҳамда учинчи ўриндаги энг яхши кўрсаткичга эга бўлган яна тўрт терма жамоа мусобақанинг плей-офф босқичига йўлланма олади.

– Терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатида тўп суриши тарихий воқеадир, – дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Алексей Евстафеев. – Ёш футболчиларимиз бундай нуфузли мусобақада ўз Ватани шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига истиқлол туфайли эришганини яхши билади. Шу боис улар Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида кўтаринки руҳ ва баланд иштиёқ билан иштирок этишга қарор қилган.

Дарҳақиқат, мазкур чемпионат жаҳон мамлакатларида спорт қай даражада тараққий этаётганини, аҳоли, айниқса, ёш авлод салоҳияти ва иқтидорини оламга намойиш этади. Терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатидаги иштироки дунёнинг бошқа мамлакатларига Ўзбекистонимизни янада кенгроқ танитади, серқуёш мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган авлод вояга етаётганини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан футболни ривожлантиришга оид ўнга яқин ҳужжат қабул қилиниб, изчил амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг футболни ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори ўзбек футболининг порлоқ келажагини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонда футболни қўллаб-қувватлаш ва ушбу соҳа ривожи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами ва бераётган самаралари кўпчиликни ҳайратга солмоқда.

Болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш Ўзбекистон футбол федерацияси фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Юртимизда ёш футболчиларни тайёрлаш асосан болалар-ўсмирлар футбол мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, олимпия захиралари коллежлари, футбол клублари тизимидаги футбол мактаблари ва академияларида амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан футбол бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг янги ўқув-машғулот маскани ҳудудидаги бинолар таъмирдан чиқарилди, меҳмонхона, тренажёр зали фойдаланишга топширилди.

Шуни алоҳида таъкидламоқ лозимки, бугун футбол юксак тараққий этган даврда жаҳон чемпионатида тўп суриш имконияти ҳар кимга ҳам насиб қилмайди. ФИФАга аъзо икки юздан зиёд мамлакат футбол федерацияларининг ҳар бири жаҳон чемпионатида ўз футболчиларини кўришни истайди. Лекин Мексикадаги мусобақада қатнашиш ҳуқуқига фақат жаҳоннинг энг кучли йигирма тўрт терма жамоаси эга бўлди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг жаҳон чемпионатининг финал қисмида қатнашиши мамлакатимизда футбол инфратузилмаси тўғри шакллантирилганидан далолатдир. Қолаверса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасидан фақат Ўзбекистон футболчилари мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига йўлланма олгани ҳам футболни ривожлантиришда тўғри йўлдан бораётганимизнинг тасдиғидир.

– Жаҳон чемпионатида тўп суриш ҳар бир футболчининг энг олий орзусидир, – дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сардори Аббосбек Махситалиев. – Футбол мундиали Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида ўтказилаётгани биз, футболчиларга катта куч-ғайрат ва шижоат бағишлайди. Юртимизда ёшларнинг ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шароит яратилган. Бундай улкан имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўзимиз танлаган соҳалар бўйича Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилиш – фарзандлик бурчимиздир. Жамоадош дўстларим билан бирга Мексика яшил майдонларида бўладиган беллашувларда муносиб тўп суриб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

– Жаҳон чемпионати иштирокчилари орасида кучсиз жамоалар бўлмайди, – дейди Ўзбекистон терма жамоаси ҳужумчиси, Осиё чемпионатининг энг яхши футболчиси Темур Ҳакимов. – Биз ҳам ҳеч кимдан кам эмасмиз. Мақсадимиз – чиройли ўйин кўрсатиб, Ватанимиз довруғини янада ошириш, энг азиз, энг улуғ байрамимиз – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига муносиб совға тайёрлашдир.

Футболчиларимиз жаҳон чемпионатининг гуруҳ беллашувларини Торреон шаҳрида ўтказади. Ҳамюртларимиз 19 июнга белгиланган дастлабки учрашувда Океания минтақаси саралаш мусобақаси ғолиби – Янги Зеландия вакилларига қарши майдонга тушади. 22 июнь куни бўладиган иккинчи ўйинда ёш футболчиларимиз АҚШ ўсмирлар терма жамоасига қарши ўйнайди. 25 июнь куни эса Чехия ўсмирлар терма жамоасига қарши тўп суради.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

BOLALIK BO`I

GO`DAK MEHRI

Ra'noning zarur ishi chiqib qoldi. Endigina bir yoshdan oshgan o`g`ilchasiga qarab turishni qo`shni qizlardan iltimos qildi. Bolani yo`lda qiynalib ko`tarib yurganidan shuni ma'qul ko`rdi-da, iloji boricha tezroq qaytishini aytib, chiqib ketdi.

Qo`shni qizlarning biri bolaga qaradi, ikkinchisi uy yig`ishtirishga tushdi. Bir mahal bola qo`lini cho`zib, "Aya, aya" deb yig`lay boshladi. Ikki qiz ham hayron, chunki ayasi allaqachon ketib bo`lgandi.

Bola emaklagancha borib qizning qo`lidagi ko`ylakka tirmashdi. Qiz ham darhol tushunib, ko`ylakni bolaning qo`liga berdi.

Qizlar bir-birlariga ma'noli qarab qo`yishdi. Bolaning ayasi haligina shu ko`ylakni almashtirib, beshikning ustiga tashlab ketgandi. Qo`shni qiz beshikning yopqichlarini to`g`rilab, ko`ylakni qo`liga olgani uchun bola yig`lab yuborgan ekan. U ko`ylakni bag`riga bosdi-yu, yig`idan to`xtadi. Ikki sho`x qizga ermak topildi: "aya"ning ko`ylagini ber deb, biri qo`yib, biri so`rardi. Bola "yo`q" degandek, ko`ylakni mahkamroq bag`riga bosardi. Bola sut ichgandayam ko`ylakni qo`lidan qo`ymadi. Hatto, uxlagandayam uni quchoqlab yotdi.

Uyqudan turgach, esidan chiqqandir, deb qizlar yana ko`ylakni so`radilar, u qizg`anganicha "yo`q" dedi. Erkalab, shirinliklar tutishsada, baribir bola ko`ylakni bermadi.

Ra'no uyga kirib kelganida, o`g`ilchasi ko`ylagini bag`riga bosib o`tirardi. Qizlar bo`lgan voqeani so`zlab berdilar. Shunda Ra'noning ko`zlariga yosh keldi. Bolasi o`zgalarga onasining eski ko`ylagini bermabdi-yu, onasi uni o`zgalarga tashlab ketibdiya...

Barno RUSTAMOVA.

ҲИКМАТЛАР ВА ИЛЛАТЛАР

ТУҲМАТ

Бегуноҳ одамга
отилгай бу тош,
Дастидан дил яра,
эгилгайдир бош.

ПОРА

У берувчи учун гўё
зарурат,
Олувчига эса ташвишу
ғурбат.

АМАЛПАРАСТ

Ўзини хон дея билур у
ғаддор,
Амалдан айрилса,
гирёну абгор.

КИБР

Диёнат кўзини этар-да
сўқир,
Пуфакдек осмонга
кўтарар кибр.

Маъмур БОЗОР АЛИ.

Шайхонтоҳур туманидаги "MUXAMMADAZIZ BIZNES" хусусий корхонаси (ИНН 301275170) "MUXAMMADAZIZ BIZNES" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади.

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2011 йилда Тўрақулов Шомухаммад Абдуғани ўғли номига берилган К № 2230833 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "GULRUX-SAVDO-BARAKAT" (ИНН 301460836) Чиланзарского района г. Ташкента сообщает об изменении уставного фонда с 71 000 000 сумов до 2 500 000 сумов. Тел.: (+99872) 700-10-99.

ҚАТРА

ГЎЗАЛЛИК ИЗЛАБ

Соҳибжон шаҳар коллежларининг бирида рассомликка ўқийди. У жуда истеъдодли бола. Устозлари ҳам баъзан чизган суратларига қараб ҳайратланишади.

Яқинда бир танлов эълон қилинди. Унга кўра, ҳар бир талаба гўзалликни қандай тушунса, шундай чизиши керак. Соҳибжон ҳам шу танловда қатнашишни хоҳлаб, устозидан маслаҳат олди. "Кишида ҳайрат туйғусини уйғотган асаргина чинакам санъат асари даражасига етади. Шуни ҳам унутмаки, гўзаллик оддийликдадир", деди устози.

Соҳибжон ҳар куни шаҳар кўчаларию, хиёбонларини айланиб, муҳташам биноларни кузатиб, оддий, лекин гўзал ташбеҳлар изларди.

– Устоз, мен бу танловда қатнашолмайман, – деди у ниҳоят.

– Нима учун?

– Сиз айтган нарсани топа олмаяпман. Яхшиси қишлоғимга қайтаман.

– ...

... Виқорли тоғлар бағридаги она қишлоғини кўриб, Соҳибжоннинг бўғзига нимадир тиқилди. Унинг қишлоғи қанчалик катта бўлмасин, Соҳибжоннинг қорачиғига жойлашганди. У қишлоқ четидаги уйи томон югура кетди. Қишлоқдаги ҳаёт ўша-ўша. Деярли ҳеч нарса ўзгармаган. Мана, Соҳибжоннинг кўчаси ва кўча бошидаги қадрдон уйи. У ҳовлисига отилиб кирди. Ҳовли четига солинган бир уй, бир айвон. Укаларининг сўрию, ҳовли бўйлаб сочилиб ётган ўйинчоқлари, онаси ҳар йили экишни канда қилмайдиган ўша гуллар, райҳонлар.

Дарвоқе, онасининг ўзи қаерда экан-а? Шу пайт ҳовли орқасидан ҳозиргина тандирдан узилиб, саватга чиройли терилган нонларни кўтарганча, онаси кўринди. Сепкил тошган юзлари иссиқдан қизарган, ажин қоплаган пешонасини рўмол билан танғиган, эгнидан сира тушмайдиган қора бахмал нимчаси ўзига жуда ярашган ... хуллас оддийгина қишлоқ аёли.

Соҳибжон бир дам тўхтаб қолди.

Ахир шу эмасми, у излаган гўзаллик?

Дилсора АБДУСАТТОРОВА,
Пискент туманидаги 1-умумтаълим мактабининг 7-Б-синф ўқувчиси.

Бутунжаҳон тамаки чекишга қарши кураш куни муносабати билан Оҳангарон маиший хизмат касб-ҳунар коллежида "Ёшлар кашандалиқ, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, терроризм ва одам савдосига қарши" шиори остида спорт фестивали ўтказилди.

ШОҲСУПАНИ «ШЎХ ЙИГИТЛАР» ЭГАЛЛАШДИ

41-гуруҳнинг "Алпомиш" ҳамда 49-гуруҳнинг "Шўх йигитлар" жамоалари ўртасида кечган спорт мусобақалари қизиқарлилиги билан барча иштирокчиларни ўзига жалб этди. Эпчиллик ва чаққонлик, ирода ва тезкорлик ўйинларида маҳорат кўрсата олган "Шўх йигитлар" гуруҳи ғолибликни қўлга киритди.

Райҳон САЛАЕВА.

БЕКАЖОН

ФРАНЦУЗЧА САЛАТ

Керакли масаллиқлар: *гўшт – 250 г., қизил лавлаги – 1200 г., картошка – 500 г., тухум – 4 дона, майонез – 500 г., салат барги – 60 г.*

Тайёрлаш: *аввал гўшт қайнатиб олиб, сомонча шаклида тўғралади. Кейин картошкани ҳам сомонча шаклида тўғраб, қовуриб олинади. Лавлаги ва тухум сувда пиширилади ва совуқ сувга солиб, пўсти артилади, сўнгра сомонча шаклида тўғралади. Тайёр бўлган масаллиқлар юзига майанез ва озгина туз сепилади. Салат барги билан безатилган ликопчага солиниб, дастурхонга тортилади.*

АКС-САДО

ЭЪТИҚОДИНГИЗ БЕҒУБОР БЎЛСИН

"Тошкент ҳақиқати"да чоп этилган "Ватанини қадрламаганлар хор бўлади" мақоласини ўқиб, Ватан ҳақидаги бир қўшиқ ёдимга тушди. Вужудига баднафслик, руҳиятига ношукрлик танда қўйган ғофил бандалар ҳақида айни муддао гаплар айтилибди.

Кейинги пайтларда истиқлолимиз камоли, Ватанимиз обрў-эътиборини кўролмайдиган ёт мафкурачилар муқаддас тупроғимизга дахл қилиш ниятларини дин ниқобига ўраб, халқимиз онгини заҳарлашга интилаётганлиги бор гап.

Аслида мен ҳам покиза ибодатга мойил мўмин-мусулмонман. Лекин, шариатни оёқ ости қилиб, ёлғон, бўҳтонларни Исломнинг пок номига ўраб, одамларни лақиллатаётган сохта эътиқодли кимсаларнинг кирдикорларини ўқиб, қалбимга оғриқ кирди. Наҳотки, имон-эътиқодни шу даражада разолат ботқоғига ботирмоқчи бўлишса? Ҳеч бир диний китобларимизда, муқаддас Қуръон, Ҳадиси шарифда одамларнинг қалбига қутқу солувчи, урушга чорловчи сўзлар йўқ-ку!

Мақолада таъкидланганидек, меъёрни билувчи шариат пешволари халқимиз хурматига сазовор. Ножўя ишлардан ҳоли инсонлар сифатида қадрланади. Лекин, Ватанига, миллатига хиёнат қилиш "тузини еб, тузлиғига тупуриш" эмасми? "Одамларда ишончсизлик туғдириш, фитна-ғоваларни тарғиб этадиганлар биздан эмас" дейилади муқаддас китобларимизда.

Эркимиз, озодлигимизни кўролмайдиган, тинчлигимизга рахна соладиган сохта меҳрибонлар, жонкуярларнинг кераги йўқ бизга! 20 йилда шу даражага етибмизми, бу ҳам Яратганнинг кўрсатгани, Юртбошимизнинг доно сиёсати туфайлидир. Эзгуликни байроқ қилган, келажакка яхши ниятлар билан интилаётган мустақил Ватанимиз омон бўлсин, ёмонлардан ўзи асрасин!

Фозил ота НОСИРОВ,
Ҳасанбой қишлоғи.

РАССОМ ХАНДАСИ



– Янги мавзуни кўчириб олишингиз учун сизларга 5 дақиқа вақт бераман, улгурасизларми?

Камина мухбир сифатида республикамиздаги деярли барча яйловларни кезиб чиққанман. Нуротанинг серўтлоқ ерлари, Форишнинг ясси қирлари, Қашқадарёнинг шувоққа бой чўллари, чексиз-чегарасиз Томдининг кўмга сероб биёбонларини беармон айланганман. Оқ ўтовларда қимиз симириб, товада пишган зоғора нондан тотиб, эчки сутига ивитилган болдай қатиқ ичиб, чорвадорларнинг ғаройиб суҳбатларига ошно бўлдим.

Азалдан меҳнатни тақдир деб билган бу тўпори, камсуқум, қўли очиқ, сабр-бардошли қавмнинг кўнглига йўл тополсангиз, улардан бобомерос расм-русумлар, ирим-сиримлар хусусида кўп ибратли ҳангомалар эшитасиз. Эски дафтарларимда ана шундай ҳангомалар сақланиб қолган экан, уларни сизлар билан баҳам кўргим келди.

ҚИРҚ ОШИҚНИНГ КАРОМАТИ

АНТИҚА УДУМЛАР

Чорвадор аҳлининг эътиқодига кўра, ҳар бир уй ҳайвонини ҳамиша асраб-авайлаб юргувчи қўриқчи, яъни пири комил бўлармиш. Одатда бундай қўриқчилар азиз авлиёлардан деб ҳисобланган. Масалан, йилқининг пири Қамбар ота, қўйники Чўпон ота, қорамолнинг қўриқчиси Занги ота, эчкига эса, Саксак ота посбонлик қилар эмиш.

Занги ота ҳақида халқ оғзида кўп ривоятлар юради. У хоразмлик машҳур шайх, шоир Сулаймон Боқирғонийнинг муриди эди. Ҳаким Сулаймон эса, пири Туркистоний, шайхул-машойих Хожа Аҳмад Яссавийнинг халифаси бўлган. Қамбар отани эса, Муҳаммад пайғамбарнинг куёви Ҳазрат Алининг отбоқари бўлган деб нақл қиладилар. Чўпон ота тўғрисида тағин бир гўзал ривоят мавжуд.

Чўпон ота Аҳмад Яссавийнинг содиқ муриди экан. Бир куни пири муршид толиби илмлардан бир нечасини ўтовига тўплабди. Авлиё бобонинг Ҳазрати Мусоникидек сеҳрли ҳассаси бор экан. У ҳассани ўтов чанғароғи, яъни туйнугидан ташқарига отибди. "Кимки ўшал асони топиб келса, унга эгалик қилсун" дебди авлиё. Шогирдлар асони излагани ирғиб туришибди. Ёлғиз Чўпон отагина қимирламай ўтирганмиш. Негаки, асонинг қаерга бориб тушганини у кўнгил кўзи билан кўриб ўтирган эмиш. Бир неча кундан кейин Чўпон ота юз чақирим ердан ўша ҳассани топиб келибди ва Яссавийнинг суюкли шогирдига айланибди.

Ана энди чорвадор аҳли кундалик ҳаётида амал қиладиган чора-тадбирлар тавсифига ўтсак ҳам бўлади.

Бурунги замонларда чўпон-чўлиқлар уй ҳайвонларини ўз оила аъзоларидек сийлашган. Уларни уриб-сўкмаган, тепмаган. От, туя, сигир каби қорамол, айниқса, етти хазинанинг бири деб тан олинган қўй-эчкини уриб-теписак, бу жониворларнинг пирлари биздан норози бўлади деб ўйлашган. Чорвадорлар, ҳатто, сўйилган молнинг бош суягини ҳам оёқости қилишдан қўрққанлар. Уни ё ерга кўмишган ёки этини шилиб дарвоза тепасигами, уйга кираверишгами, осиб қўйишган. Чунки бош суякни хор қилган кишининг рўзғоридан баракА кетади, деб қаттиқ ишонишган.

Молбоқарларнинг яна бир яхши удуми сут билан боғлиқ. Фаросатли уй бекаси сутни ерга тўкмаган. Чунки биров уни босиб олса ё ит яласа, гуноҳ бўлар экан. Шунинг учун бехосдан тўкилган сутни холироқ жойга кўмганлар, сўнг бармоқларини ялаб, ҳар куни ризқ бериб турган яратгандан шафоат тилаганлар. Уйдаги катталар болаларни ҳам ёшликдан сутқатиқни увол қилмасликка ўргатишган. Кимда-ким бу неъматларнинг қадрига етмаса, ёмон бўлади, бошқача айтганда оқ уради, деб насиҳат қилишган.

Кеч кузда ёки қиш арафасида туғилган қўзичоқлар кўпинча аёзда қолиб, нобуд бўлади. Бундай нохушликнинг олдини олиш учун қўйбоқарлар кўзилатиш мавсумини баҳоргача чўзиш йўлини ўйлаб топганлар. Улар насл берадиган қўчқорлар чўтига кигиз халта боғлаб қўйишган. Чорвадорлар тилида бу қуяк дейилган.

Одатда, ирим қилиб, қуякни серфарзанд хотин боғлаган. Ёзнинг ўрталаридан то кузнинг охиригача қуяк ечилмаган. Куз оёғида қўчқорнинг белидаги қуяк ечиб олинган ва қочириш мавсуми бошланган. Қуяк ечиш маросими тантанали, кекса чўпонлар иштирокида ўтган. Уй эгаси қўчқорни шохидан ушлаб турган, уй бекаси бисмилло деб кигиз халтани ечган. "Илоё, туёғимиз кўпайсин, совлиқларимизни ўзинг асра, Чўпон ота, эгизимиз мўл бўлсин" дея ичида дуо ўқиган. Қариялар хонадон эгасига, овулдаги жамики элатнинг чорвасига қут-барака тилаган, оқ фотиҳа берган. Сўнг чўпон қўрадан битта совлиқни тутиб келиб, унинг оғзига бир ҳовуч тариқ солган. Бу билан, қўзиларинг мана шу тарикдай урчисин, илоё эгизак болаларинг кўпайсин, деб тилак билдирмоқчи бўлган.

Қишин-ёзин кимсасиз саҳрода таёғини судраб юрувчи чорвадор халқ табобатини яхши билган. Отими, сигири ё қўйими, бирон дардга чалинса, минг йиллардан бери синовдан ўтган халқона усулда даволаган. Масалан, қўйи қора туйнак (қорин оғриғи) касалига йўлиқса, чўпон уни ерга уч марта думалатган ва ичида дуо ўқиб туриб, бир ҳовуч қумалоқ билан аста-аста урган. Кейин устидан аччиқ айрон қуйиб, учуқлаб ташлаган. Айроннинг қолганини итга берган. Оти ё туяси дард тегиб ётиб қолса, уларнинг устидан қўён қонини сепишган. Молимиз оёққа туриб, қўндай югуриб кетсин, дея ирим қилишган бўлса керакда. Баъзи чорвадорларнинг эътиқодига кўра, қорни шишиб, ётиб қолган отнинг бошқўзига янги сўйилган улоқнинг ўпкаси билан урилса, даво бўлар эмиш.

Чорвачи халқи қўйнинг ошиғида қорамолни ҳар хил бало-қазодан асрайдиган сирли куч бор деб ишонган. Шунинг учун ўтов эшигига ошиқни шода қилиб илиб қўйганлар. Туя, сигир каби уй ҳайвонларининг бўйнида ҳам беш-олти дона маржон-ошиқ осилиб турган.

Ҳикоямизни гўзал бир ривоят билан тугатайлик.

Бир чўпоннинг оқила келини бор экан. Бир куни чўпон бозор-ўчар қилиб келиш учун шаҳарга бормоқчи бўлибди. Келин бир халтачага қўйнинг қирқ ошиғини солибди ва оғзини тугиб қайнотасига берибди.

– Шаҳарга бориб келгунча, халтани очманг, ота, – деб тайинлабди у.

Қайнота хўп деб йўлга тушибди. Анча юргач, халтани ушлаб кўриб кўнглида қизиқиш уйғонибди. "Келин тушкур бунга нима солди экан, бир очиб кўрмайманми?" дебди ичида. Сўнг аста халтани очибди. Қараса, бир ҳовуч ошиқ экан. Чўпон қайрон бўлибди. Шу пайт қаёқдандир бир тўда қароқчи от чоптириб келибди. Чўпонни шир яланғоч қилиб ечинтиришибди. Бор-будини тортиб олишибди. Қароқчилар сардори чўпондан сўрабди:

– Ҳей, меров, ёнингда қирқ қўриқчинг бор эди-ку, улар қай ғўрга гумдон бўлди?

Чўпон нима дейишини билмай, анграйиб қолибди. Аслида келин қайнотамга йўлда соқчилик қилсин, деб қирқ ошиқни тугиб берган экан.

Чўпон бир амаллаб уйига етиб келибди. Келин нима воқеа рўй берганини дарров тушунибди. Чўпон эса, қилмишига пушаймон бўлибди ва доно келинига тасанно айтибди.

Саъдулла СИЁЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Шоҳруҳ ҲАКИМОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-640. Адади 12320. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 1234